



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 19 июль, № 141 (5561)

Пайшанба

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Бирон-бир мазали таомни татиб кўрсак, шу заҳоти таъбимиз очилиб кетади, ҳузур қилганимизча ошпазга тасанно айтаемиз. Бирок, минг афсуски, тинчлик ҳукм суриб турган муҳитда яшаб, осойишталикнинг лаззатидан ҳар лаҳзада баҳраманд бўлсак-да, айримларимиз бу таъми ҳар доим ҳис қилавермаймиз, шундай олий неъматга етказгани учун Яратганга шукроналар айтиш эсимизга тушавермайди.



Ифтихор

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараси иқтисодийтимиз барқарор суръатларда ўсаётгани, турмушимиз тобора фаровонлашиб бораётганида яққол намойён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан асос солинган автомобилсозлик sanoatининг ривожининг бунинг ёрқин мисолидир. Негаки, ҳозирги кунда “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси таркибига қарийб 40 та компания, шу жумладан, Жанубий Корея, АҚШ, Германия, Голландия каби давлатлар билан ҳамкорликда кўплаб корхоналар фаолият юритаётган бўлиб, уларда автобус, енгил ва юк автомобиллари ҳамда мазкур транспорт воситалари учун зарур бутловчи буюмлар ишлаб чиқарилаёпти.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг тимсоли

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда кўчаларимизни тўлдириб, кўзни қувнатиб юрган замонавий енгил автомобилларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани ҳар биримизда чексиз гурур ва фахр туйғуларини уйғотмоқда. Зеро, бевосита Президентимиз ташаббуси билан Асака шаҳрида курилиши бошланган ва 1996 йилнинг 19 июлида фойдаланишга топширилган автомобиль заводи халқимизнинг бунёдкорлик кўдрати, sanoatchиларимиз салоҳиятининг ҳақиқий тимсоли, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Таъкидлаш жоизки, ўтган ўн олти йил заводини ушундан аввал юксалиш даври бўлди. Буни заводини биринчи йили 25 мингта машина ишлаб чиқарилгани бугун ушбу кўрсаткич 240 мингтага яқинлашганидан ҳам англаш мумкин. Шунингдек, йиғилаётган машиналар мунтазам равишда такомиллаштирилиб, харидорлар дидига, замон талабларига мослаштирилмоқда. Дастлабки “Тико”, “Дамас”, “Нексия” русумли енгил машиналар сафига сўнгги йилларда “Матиз”, “Ласетти”, “Такума”, “Эпика” ва “Капитива” сингари автомобиллар қўшилгани ашушундан далолат беради.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, ўтган даврда заводини маҳаллий ёшлардан иборат, мураккаб вазифаларни бажаришга қодир, чўқур технологик жараёнлардан яхши хабардор ва замонавий компьютерларни бошқариш оқлидиган, катта билим ва малакага эга

меҳнат жамоаси тўлиқ шаклланди. Корхонада ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жалб этилиб, модернизациялаш тадбирлари жадал олиб борилаётгани, айниқса, дунё стандартларига тўла жавоб берадиган, қулай, хавфсиз, ишончли ва тежамкор машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини бераётди. Бундай автомобилларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам қизиқиш тобора ошмоқда. Бугунги кунда автомобилларимиз жаҳоннинг ўндан ортқ давлатларига экспорт қилинаётгани бунинг исботидир.

Ички ва ташқи бозорда кичик классдаги транспортларга ортиб бораётган талабни қондириш мақсадида, шунингдек, заводини 2010 йилдан бошлаб “Chevrolet Spark” русумидаги автомобилни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзида “General Motors” компаниясининг энг сўнгги ютуқларини мужассам этган мазкур енгил машинани яратишда асосий эътибор юқори даражадаги хавфсизлик ва юксак қулайликка қаратилди. Шу мақсадда автомобиль кузовини тайёрлашда ўта мустаҳкам пўлдан фойдаланилди, хавфсизлик ёстиқлари билан таъминланди. Унинг конструкциясидаги бу каби афзалликлар Европа стандартлари бўйича муносиб баҳо-ланадиган, “EuroNCAP”нинг краш-тестларида тўрт юлдузга қўлга киритди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Нигоҳ

Республикамиз Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан ҳам бу масалага алоҳида урғу берилиб, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити тобора мустаҳкамланиб, бу борада фуқаролик жамияти институтлари, ўзини

Тинчликнинг таъми

ўзи бошқариш идоралари, жумладан, маҳалланинг роли ва таъсири кучайиб бораётганини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас. Зеро, тинчлик йўқ жойда бошқа барча неъматлар ўз қимматини йўқота боради. Шукроналар бўлсинки, осойишталик соясидаги фарахбахш муҳит юртимизда аллақачондан бери ҳукм суриб келмоқда. Кўп

миллатли халқимизни ўзаро биродарлик руҳида тарбиялашга қаратилган оқилона ишлар ҳар қадамда ўз мевасини бермоқда. Яқинда Фарғонада бўлганимизда, азим шаҳарни янада ободонлаштириш йўлида олиб борилган улкан ишларни кузатиб, ички аҳиликнинг, бир мақсад йўлида маслақдошга айланишнинг хосияти бекиёслигига, “ободлик” сўзи “тинчлик” каломи

билан чамбарчас боғлиқлигига яна бир имон келтирдик. Барчамизга маълумки, Юртбошимизнинг ташаббуси асосида Фарғона шаҳрини 2012 — 2015 йилларда тубдан қайта қуриш, замоннинг барча талабларига жавоб бера оладиган гўшалардан бирига айлантириш юзасидан кенг кўламли тадбирлар белгиланди. Ҳозир 15 километрлик ички ҳалқа йўлни

қуриш, бир йўла йўл ёқасига савдо дўконлари, маиший хизмат шохобчалари, косиблик устaxonалари тиклаш, минг ўринли санъат саройи, беш юз ўринли амфитеатр, “Нефтичи” футболчилари учун йигирма минг ўринли янги стадион барпо этишга қаратилган юмушлар жадал бошланиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

Фахр

Бу йил галлачиликда ҳар қачонгидан-да мўл ҳосил етиштирилди. Шу муносабат билан Президентимиз Ўзбекистон галлакорларига йўллаган табригида таъкидлаганидек, азал-азалдан тўқчилик, аввало, кўзнинг, кўнгилнинг тўқлиги, дастурхон тўқинлиги, рўзгорнинг қут-баракиси бугдойнинг, ноннинг сероблиги билан белгилаб келинади.

Табаррук неъмат қадри

Шу маънода, мен ҳақиқатан бахтиёрман. Биринчи гада, мустақиллик шарофати билан фермер бўлиб, дон мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган бўлсам, иккинчидан, ўзим етиштирган бугдойдан нон ёпиш бахтига муяссар бўлдим.

2012 йил ҳосили учун 52,7 гектар ерга галланинг “Краснодар-99” су-перэлита нави уруғини эккан эдик. Уни парваришладда маҳаллий ўғитдан фойдаланганимиз майсаларни қишнинг совуғидан асраш, серёгин келган кўламада унинг қириб кетишининг олдини олиш имконини берди. Бунинг учун гектарига 20 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариб қўйганимиз кўл келди. Шу боис суғориш ҳам фақат “шарбат” усулида амалга оширилди. Натижада мағзи тўқ ва баракали дон етиштирилди. Гектаридан 85 центнердан сара дон ўриб-янчиб олиниб, давлатга 177

тонна ўрнига 247 тонна маҳсулот етказиб берилди. Топширилган галланинг ҳаммаси уруғлик учун қабул қилинган дарамадими янада юқори бўлишидан далолатдир. Иккинчидан қолган 50 тонна бугдойни хўжалигимизда меҳнат қилаётган ишчиларга, маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга тарқатдик.

Президентимизнинг табригида юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари қаторида бизнинг хўжалигимиз номи ҳам тилга олингани нафақат 30 кишилик жамоамизни, балки маҳалла-кўй аҳли, барча-барчани беҳад қувонтирди. Чунки бугунги муваффақиятимизда уларнинг ҳам улуши бор. Бундай эътибор бизга куч-қувват бағишлаб, пахтачиликда ҳам юқори натижага эришиш учун гайрат-шижоат билан ишладига руҳлантирмоқда.

Мавлуда ИСМОИЛОВА, Денов туманидаги «Мавлуда Исмоилова» фермер хўжалиги раҳбари.

Истиқлол берган саодат

Истиқлол халқимиз учун чексиз имкониятлар эшигини очиб берди. Унинг сизу бизга берган саодатининг ҳад-худуди йўқ. Давлатимиз раҳбарининг кеча матбуотда эълон қилинган “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарори ҳам мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари устувор эканлигига яна бир далилдир.

Дил сўзи

Юртимизда улуғ Рамазон ойининг кўнгилдагидек ўтиши, бу фурсатда ташкил этиладиган турли маросимларнинг янада файзли, дастурхонларимизнинг бундан-да барокотли бўлиши ҳар биримизнинг эзгу ниятларимиз ва саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ эканлигини инобатга олсак, ушбу ҳужжатнинг аҳамияти ниҳоятда бекиёслигини англаб етатиш.

Халқимиз тийнатида меҳмоннавозлик, камтарлик,

андиша, ўзаро иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат, силаи раҳм каби қадриятлар муқим жамғарилиши билан ушбу муборак ойда янада яққолроқ кўзга ташланиши, шубҳасиз.

Бинобарин, буюк неъмат — мустақиллик туфайли миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Ислом маданиятига мансуб бўлган минг йиллик тарихга эга, ўтмиш қаъридан оламга нур таратиб келган муқаддас обидалар — масжид ва

мадрасалар ихтиёримизга қайтариб берилди. Утмиш аждодларимиздан қолган тарихий меросимиз қайта тикланди, инсоний қадриятларимизнинг асосини ташкил этган Ислом дини таълимотларидан баҳраманд бўла бошладик.

Хур дийрими аҳли мустақиллик шариоатида эркин нафас олаётганликларидан Аллоҳ таолога ҳамду санолаз айтаётганлар. Ватанимиз мустақамланиб, Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги янада раванқ топилади. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан мусулмонларнинг диний маросимларини, ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун лозим

бўлган барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Истиқлол неъматини боис, юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга янги-янги чирой очмоқда. Қад ростлаётган замонавий иншоотлар, обод этилаётган зиёратгоҳлар юртимиз кўрғига янада кўпроқ фойза бахш этаётди. Шунинг баробарида, харобага айланган қолган масжидлар қайта тикланиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг қонун доирасида фаолият юритиши таъминланди.

Аллоҳ таоло юртимиз фаровонлиги, элимиз тинчлигини янада зиёда қилсин. Истиқлолимизнинг нурафон ёлдузи қалбларимизни мунаввар айласин.

Шайх Абдулазиз МАНСУР, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.

Биз ва жаҳон

Яқинда Швейцарияда нашр қилинадиган “GHI” газетасида “Қиёси йўқ мовий шаҳарлар. Ўзбекистон: Марко Поло учун Самарқанд, Бухоро ва Хива дунёнинг энг гўзал шаҳарлари бўлган” сарлавҳали мақола чоп этилди.

Қиёси йўқ мовий шаҳарлар

Марко Поло учун Самарқанд, Бухоро ва Хива дунёнинг энг гўзал шаҳарлари бўлган

Журналист С. Род қаламига мансуб мазкур мақолада юртимиз бағрида жойлашган тарихий меъморий обидалар ҳамда мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти қаламга олинган.

Ранг-баранг суратлар билан бирга эълон қилинган ушбу мақолада Самарқанд, Бухоро, Хива сингари Ўзбекистоннинг

қадимий шаҳарларида қад ростлаган энг машҳур меъморий ёдгорликлар ва тарихий обидаларнинг тавсифи келтирилган.

Муаллиф Ўзбекистон Осиёни Европа билан боғлаган қадимги Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганини алоҳида таъкидлайди. Кўна ва ҳамиша навқирон Самар-



(Давоми 2-бетда).

«Uzbekistan Agrominotech Expo — 2012»: Тажриба, имконият, натижа

Кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг “Uzbekistan Agrominotech Expo — 2012” VII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Анжуман

Президентимиз ташаббуси билан илк бор 2006 йилда ташкил этилган мазкур тадбир қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш баробарида, юртимизда етиштирилган хом ашёни ўзимизда чучур қайта ишлаш борасида имкониятлар эшигини янада кенгайтди. Негаки, унга ташриф буюрган фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вақиллари жаҳоннинг илгор компаниялари томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий минитехнологиялар, ихчам ва ресурс тежам-

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Натижада умумий қиймати 136 млрд. сўмлик қарийб 2260 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Бу, ўз навбатида, 7800 нафар кишининг, айниқса,

да Президентимизнинг 2006 йил 24 августдаги “Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

ва ғўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш, ун ҳамда омихта ем ишлаб чиқариш бўйича минитехнологиялар, қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик минитехникалари, қадоқлаш жиҳозлари, чорвачилик ва паррандачиликни ривожланти-

сармоялари орқали молиялаштирилиши кутилмоқда.

Бу йилги кўргазма доирасида ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган замонавий минитехника ва жиҳозларни ҳамкорликда ишлаб чиқариш бўйича келишувларга эришилгани, айниқса, кувонарлидир. Айтайлик, Украинанинг “Техна” компанияси билан паррандачилик ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, Германиянинг “Wachtel GmbH” компанияси кўмағида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш жиҳозлари тайёрлаш маҳаллийлаштирилади. Бундан ташқари, “Techno Food Service” масъуляти чекланган жамияти негизда касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг амалиёт дарсларини ўтказиш бўйича ўқув маркази ташкил этиш юзасидан ишлар бош-лаб юборилди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз саноати жадал ривожланиб бораётганининг амалдаги тасдиғидир.

Анжуманда, шунингдек, “Uzbekistan Agrominitech Expo — 2013” кўргазма-савдосини ўтказиш юзасидан олиб борилаётган тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам атарофлича маълумотлар берилди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Uzbekistan Agrominitech Expo — 2012»: Тажриба, имконият, натижа

Тажриба, имконият, натижа

қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш, 324 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўринбосари Бахтиёр Абдусаматовнинг таъкидлашича, жорий йилнинг 28 — 31 май кунлари бўлиб ўтган “Uzbekistan Agrominitech Expo — 2012” VII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосига ўтган даврда тўпланган тажриба асосида пухта тайёргарлик қўрилгани тўғрисида у кутилганидек томонлар учун бирдек самарали кечди. Шубҳасиз, бун-

дастурлама бўлди.

Иштирокчилар учун “Узэкспомарказ” мажмуасининг кўргазма майдонлари бепул тақдим этилаётгани, олиб келинаётган асбоб-ускуналар учун солиқ ва боғжона тўловларида имтиёзлар берилганлиги, олиб келинаётган асбоб-ускуналар учун солиқ ва боғжона тўловларида имтиёзлар берилганлиги хорижликларнинг қизиқишини янада оширмақда. Мана исботи: бу галги кўргазма-савдода Германия, Италия, Голландия, Австрия, Польша, Исроил, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Украина, Малайзия, Швеция сингари жаҳоннинг 22 та давлатидан 100 дан зиёд компаниялар қатнашди. Улар томонидан энг сўнгги русумдаги мева-сабзавот

риш, териға ишлов бериш, иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш ускуналари, ўсимликларни кимёвий химоя қилиш ҳамда ветеринария воситалари кенг қўламда намоийш этилди. Улар билан яқиндан танишган 10 мингдан ортик қишлоқ хўжалиги ва саноатимиз вакиллари томонидан 1002 та шартнома ҳамда келишув баённомалари имзоланди. Умумий қиймати қарийб 80 млрд. сўмга тенг бўлган лойиҳалар маҳаллий тижорат банклари кредитлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларининг шахсий маблағлари, шунингдек, лизинг компаниялари

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг тимсоли



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Машинанинг ташқи дизайни ва ички безағига ҳам ижодий ёндашилиб, кўплаб замонавий ва янги турдаги маҳсулотлар оқилона ишлатилди. Бу унинг ташқи кўриниши ниҳоятда кўркам, ички қисми шина бўлишини таъминлади. Шу боис у ёрқин услубларни ёқтирайдиган ёшлар ва қалбидан ёшлик шижоати кетмаган кишилар учун тавсия этилапти.

Жорий йилдан эътиборан ишлаб чиқарилаётган “Chevrolet Malibu” русумидаги автомобиль хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Юқори тезликда ҳаракатланиш характеристикаси, замонавий хавфсизлик тизими ва бетакрор дизайни билан аж-

ралиб турувчи “Malibu” аллақачон мутахассислару автомобиль ишчи-бозлари назарига тушиб улгурганининг сабаби шунда.

Албатта, автомобиль ишлаб чиқариш узлуксиз жараён. Яъни бунда автомобилга зарур бўлган барча эҳтиёт қисмлар пешма-пеш завод конвейерини таъминлаб туриши зарур. Бунга эришиш учун Асака заводига зарур эҳтиёт қисмларини узлуксиз етказиб берувчи бир қатор корхоналар ташкил этилди. Автоэмаль ва саноат бўёқлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “УзДонгЖу Пэинт Ко”, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида генератор ҳамда компрессорлар, шунингдек, автомобиль симларини тайёрлаш

мақсадида ташкил этилган “УзИраеАльтернейтор” ҳамда “УзИраеКейбл” қўшма корхоналари шулар жумласидандир.

Мухтасар айтганда, ҳозир республикаимизда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллардан фойдаланмаётган бирорта маҳалла, қишлоқ ёки оила йўқ. Энг муҳими, улар юртдошларимизнинг узогини яқин, оғирини энгил қилиш билан бирга, мамлакатимиз автомобилсозлик саноати жадал тараққий этаётганини намоийш қилмоқда.

Буларнинг бари Юртбошимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий самарасидир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.

Қисқа сатрларда

● Шўрчи туманидаги “Вали Абдурахмон” хусусий корхонасида ошхона ва идора мебеллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа рўёби учун 60 миллион сўм сарфланди. Эндиликда жамоа маҳсулотлар сифатини яхшилаб, уларни экспортга чиқаришга тарадуд кўрмоқда.

● Қизилтепа туманида фаолият юритаётган “Халол меҳнат — нурило ҳажаж” масъуляти чекланган жамиятида йилга 5 миллион дона пишк ғишт тайёрлаш қувватига эга янги лойиҳа амалга оширилди. Тез орада бу ерда темир-бетон ашёлари ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Қўшқўпир туманидаги Ўзбекёп қишлоғида паррандачиликка ихтисослаштирилган “Райсланд моторс” масъуляти чекланган жамияти ташкил этилди. 500 миллион сўм эвазига рўёбга чиқарилган ушбу лойиҳа тўғрисида 22 кишининг доимий бандлигини таъминланди.

● Чироқчи туманилик тадбиркор Холиёр Ўтаев раҳбарлик қилаётган “Асл Турон” масъуляти чекланган жамиятида безакли йўлак қопламалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 12 та қўшимча иш ўрни яратилган мазкур корхонада айти пайтда 20 турдаги қурилиш материаллари тайёрланмоқда.

● Қонлиқўл тумани марказида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида худуддаги корхона ва ташкилотлар томонидан 305 та бўш иш ўрни тақдир этилди. Яқунда 267 нафар иштирокчи бўлажак меҳнат жамоалари билан шартнома имзоланди.

Қиёси йўқ мовий шаҳарлар

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Кўп асрлар мобайнида ушбу замин илм, маданият маркази, динлар уйғунлашиб кетган макон бўлиб, бу ерда буюк олим ва мутафаккирлар ижод қилган. Маҳобатли гумбазлар, минораларнинг ажойиб меъморий кўриниши Самарқандни дунёнинг буюк шаҳри, барча замонларда ушбу заминга келганларни ҳайратда қолдирган заминга айлангандир”, деб ёзади муаллиф.

Замонавий Самарқанд-

га тўхталар экан, С. Род ҳозирги вақтда мазкур шаҳар энг жозибадор сайёҳлик йўналишларидан бири эканлигини алоҳида қайд этади. Унинг ёзишича, “Регистон майдони, Бибихоним масжиди ва бошқа ажойиб меъморий иншоотлар сайёҳларни мафтун қилаётир”.

“Хушмуомала бухорликлар очикқўнгиллик билан сизга тарихий обидаларни кўрсатишади. Шуниси ҳайратланарлики, мазкур обидалар сўнгги икки аср мобайнида деярли ўзгармаган. Ушбу ша-

инсонни ҳайратга солувчи “ложувард шаҳар” сифатида эътироф этилади. “Ушбу шаҳарнинг қадимий меъморчилиги, — деб ёзади муаллиф, — тасвирлаб бўлмас завқ-шавақ йўғоти, ўзинигини шаҳар кўчалари ва бозорларида дунёнинг барча нуқталаридан келган савдогарлар ҳамда саёхатчиларни учратиш мумкин бўлган Буюк Ипак йўли даврига тушиб қолгандай ҳис қиласиз”.

Шунингдек, мақолада европалик сайёҳлар учун ўзбекистонга саёхатларни амалга ошириш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

«Жаҳон» АА. Женева

Она юрт шаънини улуғлаш

XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган спортчиларимизнинг энг олий мақсадидир

Кеча Лондонда ўтказилгандиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашадиган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Эҳтиром

Мустақиллик йилларида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор тўғрисида иқтидорли ўғил-қизларимиз кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб химоя қилмоқдалар. Улар орасида Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, она-Ватанимиз довуруғига доврқ қўшаётганлари кўпчиликини ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг

спортчиларимиз илк бор 1994 йили Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтказилган қишки Олимпиадада ўз имкониятларини синаб кўришган эди. Ушанда ҳамюртимиз Лена Черзцова фристайл бахсларида олтин медални қўлга киритганди.

1996 йилда Атланта (АҚШ) шаҳрида ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларида эса ҳамюртларимиздан дзюдочни Армен Багдасаров кумуш ҳамда боксчи Карим Тўлаганов

бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, мазкур нуфузли мусобақада битта кумуш ва бронза медаллари юртдошларимизга насиб этди.

2004 йилда Афинада бўлиб ўтган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари спортчиларимиз учун янада омадли келди. Унда Артур Таймазов, Александр Доктурашвили олтин, Магомед Ибрагимов кумуш, Баҳодиржон Султонов ва Ўткирбек Хайдаров бронза медаллари билан тақдирландилар.

2008 йилда Пекинда ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларидан юртимиз спортчилари битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медаллари билан қайтишди.

— XXX ёзги Олимпиада ўйинларига муносиб тайёргарлик кўришимизда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида”ги қарори муҳим дастурилам бўлди, — дейди бокс бўйича терма жамоамиз аъзоси Элшод Расулов. — Унга кўра, белгиланган мезёрлар асосида ўқув-машгулот йиғин-



ларини ўтказдик, турли халқаро мусобақаларда қатнашиб, тажриба тўпладик. Бугун мамлакатимизнинг бош майдонига туриб, ўзимизга сўз бердик. Ортимизда бағрикенг, тинчликсевар халқимиз турибди. Ҳар биримизнинг галабаси — Ўзбекистон галабаси. Оталарча гамҳўрлик кўрсатаётган Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Шу куни делегация аъзолари пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбони ва Алишер Навоий номидаги Миллий боғни ҳам зиёрат қилиб, Соҳибқирон Амир Темур ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гуллар қўйдилар.

Фозилдин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Хайтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Тадбиркор манфаати ҳимояси ва ҳуқуқий кафолат

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари” мавзусида анжуман ўтказилди.

Тадбир

Унда Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Солиқ, Божхона, Давлат мулки қўмиталари, Марказий банк вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, шу орқали аҳоли фировонлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил амалга оширилаётир. Хусусан, соҳанинг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилиб, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди ҳамда янги ташкил қилинган кичик корхона ва микрофирмаларда ўтказилгандиган режали солиқ текширишлари мuddати икки йилдан уч йилга узайтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларини, лицензиялангандиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун энг қулай шарт-шароитларни шакллантиришда

муҳим аҳамият касб этади. Унда бозор иқтисодиёти талаблари, халқаро меъёрларга мувофиқ, бюрократик говларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга, шу жумладан, адлия органларига вазифалар юклатилиб, айти чоғда бу бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётир.

Анжуманда тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида адлия органлари томонидан тадбиркорлар фойдасига 6,6 млрд. сўмлик маблағ ундирилиб берилган.

Тадбирда, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари муносабатларини кўриб чиқиш кафолатлари, унга етказилган зарар ўрнини қоплаш, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур ҳужжатлар беришнинг белгиланган мuddатлари ва оилавий тадбиркорликни ташкил этиш афзалликлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зиёда АШУРОВА.

Фозилдин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Хайтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бозорининг аяқлари (2012 йил I ярим йиллик натижаларига кўра)

Суғурта назарияси ва амалиёти шуни кўрсатадики, мажбурий суғурта давлат ва жамият учун муҳим бўлган соҳаларда татбиқ қилинади. Давлат томонидан мажбурий суғурта моддий зарар қоплашиши принципал аҳамиятга эга бўлган жамият манфаатлари билан боғлиқ объектларга нисбатан қўлланилади.

2008 йил 22 октябрда кучга кирган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича ҳозир ДАСК «Ўзгросуғурта» (ОАЖ), ДАСК «Кафолат» (ОАЖ), «Ўзбекинвест» ЭИМСК, «Alfa Invest» ЁАЖ СТ, «Kapital Sug'urta» ОАЖ, «Asia Inshurans» МЧЖ СК, «Alskom» ОАЖ СК, «Universal Sug'urta» ЁАЖ, «Ishonch» БСК компаниялари фаолият олиб бормоқда.

2012 йилнинг I ярим йиллиги мобайнида республикамиз суғурта бозорига мазкур компаниялар томонидан жами мажбурий суғурта тури бўйича 874 635 дона суғурта полиси расмийлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 97,6 фоизни ташкил этади. Ушбу даврда қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ҳажми эса жами 4 809,1 млрд. сўмга (107,2%) тенгдир.

Жорий йилнинг I ярим йиллиги давомида, шунингдек, суғурта компаниялари томонидан жами 2 275 дона (86,7%), яъни 3 165,2 млн. сўмлик (101,5%) суғурта даъволари қониқтирилиб, 39 дона (60,0%), 80,0 млн. сўмлик (95,0%) суғурта даъволари қониқтирилмасдан қолдирилди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар суғурта компаниялари кесимида

Т/р	Суғурта компаниялари	Тузилган суғурта шартномалари сони (дона)			Келиб тушган суғурта мукофоти (млн. сўм)			Қониқтирилган суғурта даъволари (млн. сўм)		
		Жами	Улуши %	Ўтган йилдагига нисбатан %	Жами	Улуши %	Ўтган йилдагига нисбатан %	Жами	Улуши %	Ўтган йилдагига нисбатан %
1.	ДАСК «Ўзгросуғурта» (ОАЖ)	375 925	43,0	91,1	9 334,6	37,3	97,4	973,5	30,8	109,5
2.	ДАСК «Кафолат» (ОАЖ)	140 799	16,1	98,6	4 474,6	17,9	107,9	559,5	17,7	108,8
3.	«Ўзбекинвест» ЭИМСК	46 457	5,3	99,7	1 487,9	5,9	104,7	75,5	2,4	64,1
Давлат улуши мавжуд компаниялар бўйича, ЖАМИ:		563 181	64,4	93,5	15 297,1	61,1	100,9	1 608,5	50,8	105,7
4.	«Alfa Invest» СТ ЁАЖ	106 619	12,2	104,7	3 290,1	13,1	119,0	591,3	18,7	90,5
5.	«Kapital Sug'urta» ОАЖ	62 042	7,1	91,5	2 082,5	8,3	103,9	361,6	11,4	113,1
6.	«Alskom» ОАЖ СК	55 764	6,4	114,6	1 465,5	5,8	117,8	114,2	3,6	89,8
7.	«Asia Inshurans» МЧЖ СК	52 539	6,0	98,5	1 773,8	7,1	103,5	399,1	12,6	96,8
8.	«Universal Sug'urta» ЁАЖ	18 516	2,1	166,2	600,2	2,4	162,5	47,5	1,5	160,5
9.	«Ishonch» БСК	15 974	1,8	144,0	544,9	2,2	168,7	43,0	1,4	79,8
Бошқа компаниялар бўйича, ЖАМИ:		311 454	35,6	106,0	9 757,0	38,9	115,9	1 556,7	49,2	97,6
ЖАМИ		874 635		97,6	25 054,1		106,3	3 165,2		101,5

Худудлар кесимида йилгилан суғурта мукофотлари бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти етакчилик қилмоқда. Улар мутаносиб равишда суғурта бозорининг 19,63% ва 10,59% улушини эгаллаган. Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг улушлари энг кам бўлиб, мос равишда 2,08% ва 2,69% ни ташкил қилади. Қолган худудлар улушлари куйидаги жадвалда кўрсатилган:

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар республикамиз худудлари кесимида

Т/р	Худудлар	Тузилган суғурта шартномалари сони (дона)			Келиб тушган суғурта мукофоти (млн. сўм)			Қониқтирилган суғурта даъволари (млн. сўм)		
		Жами	Улуши %	Ўтган йилдагига нисбатан %	Жами	Улуши %	Ўтган йилдагига нисбатан %	Жами	Улуши %	Ўтган йилдагига нисбатан %
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	30 054	3,4	95,4	665,7	2,7	106,3	25,9	0,8	70,0
2.	Андижон вилояти	59 716	6,8	91,1	1 656,6	6,6	97,2	116,1	3,7	77,5
3.	Бухоро вилояти	70 405	8,0	96,6	1 600,5	6,4	100,5	55,9	1,8	132,9
4.	Жиззах вилояти	23 535	2,7	101,9	474,4	1,9	119,0	5,2	0,2	58,8
5.	Қашқадарё вилояти	65 051	7,4	93,8	1 404,4	5,6	97,3	44,1	1,4	129,4
6.	Навоий вилояти	29 312	3,4	88,8	738,2	2,9	87,7	17,5	0,6	95,3
7.	Наманган вилояти	51 578	5,9	104,0	1 400,8	5,6	113,6	119,7	3,8	120,2
8.	Самарқанд вилояти	92 612	10,6	103,8	2 515,9	10,0	107,5	58,5	1,8	92,1
9.	Сурхондарё вилояти	35 316	4,0	99,0	845,5	3,4	107,9	32,1	1,0	282,0
10.	Сирдарё вилояти	18 225	2,1	108,2	392,2	1,6	118,9	77,1	2,4	114,9
11.	Тошкент вилояти	90 882	10,4	107,6	2 735,3	10,9	114,9	423,7	13,4	133,3
12.	Фарғона вилояти	83 682	9,6	100,4	2 503,5	10,0	110,4	62,7	2,0	102,3
13.	Хоразм вилояти	52 549	6,0	94,5	1 065,3	4,3	103,5	34,1	1,1	104,9
14.	Тошкент шаҳри	171 718	19,6	92,4	7 055,8	28,2	106,9	2 092,6	66,1	96,3
ЖАМИ		874 635		97,6	25 054,1		106,3	3 165,2		101,5

2012 йилнинг I ярим йиллиги мобайнида суғурта компаниялари томонидан суғурта мукофоти бўйича 39 800 суғурталовчига 550,8 млн. сўмга тенг сийловлар берилган. Ушбу давр мобайнида Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан суғурта компаниялари жамғармага тақдим этган ҳужжатлар асосида 17 217 суғурта шартномаси бўйича 213,1 млн. сўмга тенг сийловлар компенсация қилинди. Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги 132 та илтимоснома бўйича эса 203,4 млн. сўмга тенг миқдорда компенсация тўловлари амалга оширилди.

Маълумотлар суғурта компаниялари ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Тўловларни кафолатлаш жамғармаси.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2012 йил 23 август куни бошланғич нархи босқичма-босқич охири бўлиш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказад.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 19-уйда жойлашган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика инкассация хизмати» ДУК ва Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уйда жойлашган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти балансидаги куйидаги автомобил-транспорт воситалари куйидаги:

Т/р	Русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич нархи, сўм
1.	«Опель Вектра»	01/593ZBA	1994	7 621 900,0
2.	«Опель Вектра»	01/592ZBA	1994	8 190 600,0
3.	«ГАЗ-3110»	01/271MBA	2000	6 149 600,0
4.	«ГАЗ-3110»	01/347GAA	2000	10 160 400,0
5.	«Принц»	01/405MBA	1996	8 231 300,0
6.	«ДЭУ Принц»	01/517MBA	1996	8 188 400,0
7.	«ДЭУ Принц»	01/274MBA	1996	8 195 000,0
8.	«ДЭУ Принц»	01/495MBA	1996	8 395 200,0
9.	«ДЭУ Принц»	01/610MBA	1996	7 712 100,0
10.	«КамАЗ-5320»	01/268MBA	1990	16 537 400,0
11.	«КамАЗ-5915»	01/234MBA	1990	16 335 000,0
12.	«Сиело»	01/309MBA	1994	6 964 100,0
13.	«Тико»	01/769FBA	2000	4 550 700,0
14.	«Тико»	01/273MBA	1999	4 820 400,0
15.	«Эсперо»	01/415MBA	1996	6 608 800,0
16.	«Эсперо»	01/516MBA	1996	6 442 700,0
17.	«Дамас»	01/784FAA	2003	8 277 600,0
18.	«Дамас»	01/746EAA	1999	7 812 000,0
19.	«Дамас»	01/781FAA	1997	7 756 800,0
20.	«Нексия Донс»	01/672FAA	2004	15 223 200,0
21.	«Нексия»	01/603MBA	1996	7 561 400,0
22.	«Нексия»	01/726EAA	2005	14 704 800,0
23.	«Нексия»	01/745EAA	2005	15 321 600,0
24.	«Нексия»	01/729EAA	2003	14 611 200,0
25.	«Нексия»	01/749EAA	2005	15 220 800,0
26.	«Нексия»	01/718EAA	2005	15 122 400,0
27.	«Нексия»	01/789FAA	1999	13 944 000,0
28.	«Нексия»	01/721EAA	2000	14 217 600,0
29.	«Нексия»	01/520WBA	1998	14 079 600,0
30.	«ГАЗ-3102»	10BD552	1990	2 475 000,0

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдордаги закатла пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425, СТИП: 302071274, 20208000904929318002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо қилинган савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатла пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари ўқулатилади.

Тўлов шакли — ихтиёрий.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига куйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган харидорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи (балансда ушловчи) ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амр Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, 3-қават, 307-хона (мажлислаш зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (8-371) 233-02-49, тел./факс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Том маркази «STIL INVEST SERVIS»

- ✓ металлочерепица (2 вида, металл производства России)
- ✓ профнастил (гофр-0.17, 0.22, 0.35)
- ✓ аксессуары для любых типов кровли
- ✓ вентиляционные системы

Форма оплаты — любая.

E-mail: TOMMARKAZI@mail.RU

Телефон 300-09-05. Факс 228-55-93.

Товар сертифицирован.



Производим монтаж любых типов кровли.

Губожна № 003528-01.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бўлиш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан, Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 15 апрелдаги 16-1107/1452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Наманган кўприк ҳўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш фойдаланиш» ДҚга тегишли, Наманган шаҳри, Косоний кўчаси, 21-уйда жойлашган, умумий ер майдони 19033,0 кв.м., қурилиш ости майдони 3152,4 кв.м. бўлган идора, автогараж, омбухона ва ишлаб чиқариш цехлари бино-иншоотлари тақдоран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 415 424 830 сўм.

2. Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан, Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 9 февралдаги 16-1103/18670-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қурилиш эффект мед сервис» МЧЖга тегишли, Наманган тумани, «Миришкор» ҚФЙ, «Юкори Ровустон» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 9445 кв.м., фойдали майдони 1331,49 кв.м.дан иборат бўлган нотўқима матолар ишлаб чиқариш цехи ва уч турдаги моддий қимматликлар (сув сақлаш цистернаси, металл эриткич печи, ГКПТ трансформатори) мулкий мажмуа сифатида тақдоран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 341 892 737 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 8 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига кўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 6 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатла келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатла пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИП: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бўлиш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2011 йил 27 сентябрдаги 1-10486/11-сонли ва 2012 йил 13 мартдаги 1-1484/11-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Зарафшон тор кўчаси, 6-уйда жойлашган ер участкасининг умумий майдони 1017 кв.м., фойдаланиш майдони 295,19 кв.м., яшаш майдони 213,78 кв.м. бўлган 8 та яшаш хонаси, раван, ертўла, 2 та соябон, йўлак, 2 та ҳаммом ва хожатхонадан иборат уй кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 48 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 20 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган қўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 17 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар с

Молия муассасаларида



Хозирги кунда мамлакатимиз тўлов тизимининг ривожланишида банк пластик карточкаларининг нақадар муҳим аҳамият касб этиши барчага яхши маълум. Чунки ҳисоб-китобнинг бу усули, аввало, аҳолига иш ҳақи, стипендия ва пенсияларни, шунингдек, коммунал тўловларни ўз вақтида амалга ошириш имконини беради. Қолаверса, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар бўйича ҳақни тўлашда ҳам қулай воситадир.

Сифатли ва ишончли хизмат

туфайли «Асака» банки томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар миқдори 1 000 000 дондан ошди

Кувонарлиси, пластик карточкалар наинки банк-молия тизими, балки мамлакатимиз тўлов тизими истиқболлини белгиловчи энг самарали воситага айланиб бораётган. Бунинг муҳимлигини ҳар бир фуқаро яхши англаб етаётгани эътиборга молик.

Республикаимизда пластик карточкалар тизимини ривожлантириш ва кенгайтиришда «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иш олиб бормоқда. Мазкур молия муассасаси 1999 йилнинг май ойидан бошлаб ўз сўм пластик карточкаларини муомалага чиқара бошлаган.

Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Асака» банки томонидан ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2012 йил 1 июль ҳолатига кўра, банкнинг 1 миллион 42 минг донда пластик карточкаси муомалага чиқарилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 154 минг донга кўпайди. Шунингдек, 8421 донда терминал ўрнатилди.

Пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам ошмоқда. Жорий йилнинг 1 июль ҳолати бўйича бу борадаги тўловлар миқдори 1 738,2 миллиард сўми ташкил қилди. Яъни 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 699,3 миллиард сўмга ўсиш кузатилди.

«Асака» банки томонидан ўз мижозлари, шу билан биргаликда, бошқа тижорат банк-

лари мижози бўлмиш корхона ҳамда ташкилотларда «Иш ҳақи» лойиҳаларини жорий этиш бўйича ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2012 йил 1 июль ҳолатига кўра, 6740 та корхона ва ташкилотда «Иш ҳақи» лойиҳалари жорий этилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан уларнинг сони

дан қатъи назар, ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳолати бўйича маълумотларни олиш, пул маблағларини пластик карточкаларга юклаб олиш имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари, «МастерКард» ва «Маэстро» халқаро пластик карталари эгаларига «Асака» банки банккоматларидан нақд пул маблағларини ўз истакларига кўра, миллий валютаимизда ёки АҚШ долларидан (расмий курс бўйича) олиш имконияти яратилди. «Асака» банки республикаимизда биринчи

орқали амалга оширишлари мумкин. Мазкур хизмат тури мижозларга вақтни тежаш, кредит қолдиги ва у бўйича ҳисобланган фоизлар қолдигини аниқлаш ҳамда назорат қилиш имконини яратмоқда.

Ўзбекистоннинг йирик банклари қаторида «Асака» банки томонидан сўм пластик карточкалари ривожлантирилиши билан бирга, халқаро пластик карточкалар орқали ҳам хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Халқаро карточкалар тизимининг жорий этилиши халқаро муносабатларда, халқаро савдо, туризм ва бошқа йўналишларда муҳим аҳамият касб этаётган.

Халқаро пластик карточкалар «МастерКард» орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимини кенгайтириш бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда. Банк томонидан чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 22 минг донга кўпайиб, 96 мингга етди.

Пластик карточкалар тизимининг барқарор ва мукамал ривожланиши учун мамлакатда сервис тармоғи, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари томонидан узлуксиз равишда пластик карточка эгаларига харид қилиш ёки кўрсатилган хизматлар учун карточка орқали тўловлар қабул қилишда чекловлар бўлмаслиги лозим. Шу боис ҳам бу тизимни ривожлантириш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки келгусида ҳам бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлиб қолаверади.

Банк ахборот хизмати.



354 тага кўпайди.

Хозир банк томонидан ўрнатилган 35 донда инфокиоск ва 35 та банккомат орқали пластик карточкалар эгаларига тезкор хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Бу борадаги хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида қўшимча 10 донда инфокиоск харид қилинди. Яқин кунларда улар ҳам ишга туширилади.

«Асака» банкида ўрнатилган барча инфокиоск ва банккоматлар «UZ paynet» тўлов тизимига уланган бўлиб, мижозлар пластик карточка орқали барча коммунал хизматлар бўйича ва мобиль алоқа учун тўловларни амалга ошириш, пластик карточка эгаларига, қайси банк эмитенти бўлиши-

бўлиб мижозларга пластик карточкалар ёрдамида банккоматлар ва инфокиосклар тармоғи орқали «Кредитларни сўндириш» хизмат турини жорий этди. Мижозлар мазкур хизмат туридан фойдаланган ҳолда, ўз пластик карточкасидаги пул маблағларини тўлақонли ишлатиш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан, банк филиаллари томонидан берилган кредитларнинг сўндирилишини филиалга бормасдан туриб, банк банккоматлари ва инфокиосклар тармоғи

Оилавий бизнеснинг яқин кўмакчиси

Гиламдўзлик — халқимиз орасида азалдан санъат даражасига кўтарилган ҳунармандчилик турларидан бири. Истиқлол йилларида у янада ривожланди. Қўл меҳнати ёрдамида бошқариладиган эски дастгоҳлар ўрнини илгор ва замонавий технологиялар эгаллади.

Натижада маҳаллий ишбилармонларимиз томонидан тайёрланган нақшинкор гиламлар дувруги дунёга ёйилди.

Корхонамиз фаолияти ҳам ана шу соҳага ихтисослаштирилган. Сифатли ва рақобатбардош гилам маҳсулотлари тайёрлашимизда «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилояти филиалининг ҳиссаси катта бўлди.

Ушбу молия муассасаси мурожаатимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, иқтисодий ночор, камқувватли ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш дастури доирасида имтиёзли кредит ажратди. Кўп ўтмай корхонамиз ўз фаолиятини тиклади. Натижада 10 нафар касб-хунар коллежлари битирувчиси ҳамда 4 нафар хотин-қизни ишга қабул қилдик. Уларнинг саъй-ҳаракати билан жорий йил-

нинг ўтган олти ойи мобайнида 154 миллион сўмдан зиёд маҳсулот тайёрлаб, воҳамиз аҳолисига етказиб бердик.

Эътибор ва кўмак тараққиёт сари етаклайди. Шу маънода, «Асака» банки вилоят филиали жамоасининг молиявий хизматидан, мижозларга самимий муносабати ҳамда беғараз маслаҳатларидан миннатдоримиз. Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янги-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қиламиз.

П. АЛПАМИШЕВ,
«Пўлат Алп» хусусий
корхонаси раҳбари.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини тижорат банкларининг молиявий кўмагисиз тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, улар томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани ички бозорни рақобатбардош ва хариддоригир маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилаётган.

Бунда Президентимиз раҳнамолигида банк тизимининг чуқур ислоҳ қилинаётгани, соҳага замонавий технологиялар кенг жорий этилаётганини қўл келмоқда.

Банк сармоялари

тадбиркорлик ривожига хизмат қилмоқда

Хусусан, тизимни эркинлаштириш, молия муассасаларининг мамлакат пул-кредит сисъатидидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар туфайли уларнинг иқтисодий имтиёз раҳнамолигида банк тизимининг чуқур ислоҳ қилинаётгани, соҳага замонавий технологиялар кенг жорий этилаётганини қўл келмоқда.

Биз ҳам ана шундай имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтириб бораёلمиз. Андижон шаҳрида жойлашган «Саноат реал имкон» масъулияти чекланган жамиятимиз айна пайтда пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки вилоят филиали бу борада яқин ҳамкоримиз. 2006 йилдан буён ана шу молия муассасаси кўмагидан фойдаланиб келаямиз. Ўтган йилларда «Асака» банки кредитлари асосида янги лойиҳаларни рўёбга чиқардик. Ажратилган сармоя эвазига янги турдаги пойабзал тикиш дастгоҳлари ва хом ашё харид қилдик. Бинобарин, фаолиятимиз кенгайиши ҳисобига ҳам шахарларимиздан 8 нафари иш билан таъминланди.

Банк ходимларининг мижозларга бўлган самимий муносабати, мурожаатимизга ўз вақтида ижобий жавоб қайтариши янги лойиҳаларни амалга оширишимизга туртки бермоқда. Шу боис бундан кейин ҳам «Асака» банки билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб бориш пайдан бўлапти. Хусусан, жорий йилда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мақсадида қўшимча ишлаб чиқариш биносини қуришни мақсад қилганмиз. Бунга оид бизнес режамиз банк мутасаддиларига маълум тушди. Улар лойиҳамизни молиявий қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдиришди. Зеро, ушбу янги биноларнинг ишга тушиши билан 10 та қўшимча иш ўрни яратилди. Натижада Мустаҳкам оила йилда яна шунча оиланing турмуш фаровонлиги ошишига ҳисса қўшилиди.

А. САЛИЕВ,
«Саноат реал имкон»
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари.

Жонажон диёримни кўйлайман!



Музыка жону дилимдир. Болалиқдан онам ва тоғамнинг пианинода ижро этган гўзал кўйларини эшитиб, катта бўлганман.

Фурур

Созанда куй чалишдан аввал уни тинглашни ўрганиши керак! Бу — бизнинг оиладаги широр. Шунинг учун ҳам, ким қайси чолғуда куй чалмасин, ҳаммамиз баравар тинглаймиз ва фикримизни, юрагимиздан ўтган хисларни ўртоқлашамиз. Айниқса, менда шундай одат бор: эшитган куйим ҳақида, албатта, фикр билдираман. Буни устозим — Тамара Поповичдан ўрганганман.

Хозирги пайтда В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган музыка академик лицейида ўқияман. Бу ерда устозларимиз ёрдами билан Бах, Бетховен, Чайковский, Шопен сингари машҳур композиторларнинг асарларини ижро этамиз. Мактабимизда умумтаълим фанларини ҳам кунт билан ўрганаёلمиз. Бунинг учун барча шароит яратилган.

Тенгдошларим орасида мамлакатимиз ва халқаро танловлар совриндори бўлган ўқувчилар жуда кўп. Биринчи синфда ўқиётган пайтимда лицей ўқувчилари ўртасида, сўнгра эса мусикага ихтисослаштирилган ўқув юртлири орасида ўтказилган қўллаб-қувватлаётган дўстларим, она-юртимни кўз олдимга келтириб, куй чалдим ва танловда олий соврин — Гран-прини кўлга киритдим. Кейин эса тадбир голибларининг ўзаро беллашуви ўтказилди. Фахрлиниб айта оламани, олий соврин яна меники бўлди!

Бугун юртимизда менга ўхшаган болаларнинг ўз иқтидорларини намоён этишларига эътибор жуда катта. Ана шу ишонч оқлаган ҳолда Ватанимиз тараққиётига, унинг янада гуллаб-яшнашига муносиб улуш қўшишни шарафли бурч, деб биламан ва санъат йўлидаги изланишлардан асло тўхтамайман.

Искандар МАМАДАЛИЕВ,
II Халқаро мусика кўрик-танлови
совриндори.

Ижодкор ёшларга Ғамхўрлик

Ўрта Чирчиқ туманидаги вилоят марказий маданият саройида ёш қаламкашларнинг «Илк қадам» номли адабий тўғараги иш бошлади.

Интилиш

У «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида воҳанинг туман ва шаҳарларида камол топаётган қобилиятли ўғил-қизларни кашф қилиш, уларнинг интилиш ҳамда ташаббусларини рағбатлантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди. Айна пайтда бу ерда эллиқдан ортиқ ёшлар танниқли адабиёт ва санъат намояндаларидан тегиш-

Ф. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва қасаба уюшма қўмитаси Маркетинг кафедраси мудирини, профессор Шаҳноза Эргашходжаевага падари бузрукворини

ЖАСУР отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ОБ-ҲАВО

(19 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида

+21 +26 +36 +41

Бухоро ва Навоий вилоятларида

+21 +26 +36 +41

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида

+19 +24 +35 +40

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида

+19 +24 +36 +41

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида

+19 +24 +34 +39

Тошкент шаҳрида

+20 +22 +36 +38

Реклама ва эълонлар

E 215

TL 100
100 л.с.

Умумий сурат

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Копият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Таҳририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Орипов.
Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Набатчи — З. Худойшукров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5